

А Ж Р И М

(Амнистия актини татбиқ этиши ҳақида)

2019 йил ноябрь ойининг 15 кунда, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман суди, Зангиота туман Эшонгузар маҳалласи биносида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи:- А.У.Нурматов,

судья ёрдамчиси Ш.Таджиевнинг котиблигида, тарафлардан Зангиота туман прокурорининг ёрдамчиси А.Ханбердиев ва ҳимоячи И.Жураевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми ва 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айб эълон қилинган С. Малеваннийга оид 1-1101-1151/497-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Малеванний Сергей Иванович – 05.02.1991 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати рус, Россия Федерацияси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қозоғистон Республикаси, Туркистон вилояти, Сариғаш тумани, Жанкелди кўчаси, 21-уй, 4-хонада яшайди.

Суд, жиноят ишига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Иш ҳужжатларига кўра, Россия Федерацияси фуқароси Малеванний Сергей Иванович 2011 йил 3 март куни тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган фуқароларни давлат чегарасидан ноқонуний равишда ўтказиш билан шуғулланувчи қозоқ миллатига мансуб номаълум шахсининг ёрдамидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикасига Тошкент вилояти, Зангиота туман, Гулистон қ.ф.й, “Ғишт-кўприк” аҳоли пунктида жойлашган чегара назорат ўтиш жойидан четда бўлган айланма йўллар орқали ноқонуний равишда, 1996 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 408-сонли “Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келиш, кетиш ва транзит тарзда ўтишларини тартибга солиш ҳақида”ги Қарори талабларини кўпол равишда бузиб, Қозоғистон Республикасига чиқиб кетган.

Бундан ташқари, С.И.Малеванний ўзининг жиноий шериги (қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар) билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2011 йил 25 апрел куни соат тахминан 02:30 ларда, дастлабки тергов жараёнида шахси аниқланмаган қозоқ миллатига мансуб бўлган шахсининг ёрдамидан фойдаланган ҳолда Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига чегара назорат ўтиш жойидан четда бўлган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Ғишт-кўприк” аҳоли пунктидаги айланма йўллар орқали ноқонуний равишда, 1996 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 408-сонли “Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган

шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келиш, кетиш ва транзит тарзда ўтишларини тартибга солиш ҳақида”ги Қарори ҳамда 2000 йил 16 майда Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари ҳукуматлари ўртасида имзоланган “Фуқароларни ўзаро келиб-кетишлари тўғрисида”ги битим талабларини кўпол равишда бузиб, Тожикистон Республикасига транзит тарзда ўтиб кетиш мақсадида кириб келаётган вақтида Ўзбекистон Республикаси МХХ ДЧҚХ 9207-ҳарбий қисм 4-чегара пости аскарлари томонидан ушланиб, тегишли хужжатлар расмийлаштирилган.

С.И.Малеванний судга ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми ва 223-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айблангани, бироқ у қилмиш жинойий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини билдириб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 1-банди “г” кичик бандига асосан унинг айблилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш сўраган.

Суд, С.И.Малеванний судга келмаган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 590-моддасининг 4-қисмидаги “Суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари иштирок этади. Суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида лозим даражада хабардор қилинган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги суд мажлисининг ўтказилишига монелик қилмайди” деган раҳбарий кўрсатмалардан келиб чиқиб, жиноят ишини айбланувчи С.И.Малеваннийнинг иштирокисиз кўриб чиқишликни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, айбланувчи С.И.Малеваннийнинг аризасини атрофлича муҳокама қилиб, туман прокурори ёрдамчиси ва ҳимоячининг айбланган С.И.Малеваннийга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 1-банди “г” кичик бандини татбиқ этиб, унинг айблилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, С.И.Малеваннийнинг жинойий ҳаракати мазкур амнистия тўғрисидаги Қарорнинг таъсири доирасига тушиши ва амнистия Қарорини татбиқ этиш учун монелик қиладиган бошқа ҳолатлар мавжуд эмаслиги сабабли, С.И.Малеваннийга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 1-банди “г” кичик бандини татбиқ этиб, унинг айблилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 2-банди, 423 ва 590-591-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми ва 223-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган Малеванний Сергей Ивановичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 1-банди “г” кичик банди татбиқ этилсин ва унинг айблилик тўғрисидаги масаласи ҳал қилинмай туриб жиноят иши тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргандан сўнг, С.И.Малеваннийга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида, шу туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг апелляция инстанциясига хусусий тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

(имзо)

А.У.Нурматов

Нусхаси аслига тўғри: